

ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИ ТИЗИМИДА МИЛЛИЙ ГВАРДИЯНИНГ МАЪМУРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ФАОЛИЯТИ: НАЗАРИЙ АСОСЛАР ВА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА

Усманов Алишер Толмасович

Жамоат хавфсизлиги Университети мустақил изланувчиси.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.20904178>

Аннотация. Мазкур тадқиқотда жамоат хавфсизлиги тизимида Миллий гвардия маъмурий-ҳуқуқий фаолиятининг моҳияти ва назарий асослари чуқур таҳлил қилинган. Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотлар доирасида Миллий гвардиянинг соф ҳарбий-қўриқлаш мақомидан инсонпарвар, ижтимоий-профилактик тузилмага айланиши ҳамда бевосита маҳалла даражасидаги иштироки очиб берилган. Шунингдек, маҳаллий ҳамда хорижий (МДХ, Осиё, Европа ва Лотин Америкаси) ҳуқуқшунос олимларнинг илмий қарашлари ва илгор қонунчилик амалиёти қиёсий ўрганилган. Таҳлиллар натижасида соҳага оид ягона муаллифлик таърифи ишлаб чиқилиб, унинг қонунчиликни такомиллаштириши ва ҳуқуқни қўллаш амалиётидаги илмий-амалий аҳамияти асослаб берилган.

Калит сўзлар: жамоат хавфсизлиги, Миллий гвардия, маъмурий-ҳуқуқий фаолият, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, маҳалла институти, жамоат тартиби, хорижий тажриба.

АДМИНИСТРАТИВНО-ПРАВОВАЯ ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ НАЦИОНАЛЬНОЙ ГВАРДИИ В СИСТЕМЕ ОБЩЕСТВЕННОЙ БЕЗОПАСНОСТИ: ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ И ЗАРУБЕЖНЫЙ ОПЫТ

Аннотация. В данном исследовании проводится глубокий анализ сущности и теоретических основ административно-правовой деятельности Национальной гвардии в системе общественной безопасности. В контексте реформ, проводимых в Новом Узбекистане, раскрывается трансформация Национальной гвардии из сугубо военно-охранной структуры в гуманистический, социально-профилактический институт, а также ее непосредственное участие на уровне махалли. Кроме того, проведено сравнительное изучение научных взглядов отечественных и зарубежных (СНГ, Азия, Европа и Латинская Америка) ученых-правоведов и передовой законодательной практики. По результатам анализа разработано единое авторское определение в данной сфере и обоснована его научно-практическая значимость для совершенствования законодательства и правоприменительной практики.

Ключевые слова: общественная безопасность, Национальная гвардия, административно-правовая деятельность, профилактика правонарушений, институт махалли, общественный порядок, зарубежный опыт.

ADMINISTRATIVE-LEGAL ACTIVITY OF THE NATIONAL GUARD IN THE PUBLIC SECURITY SYSTEM: THEORETICAL FOUNDATIONS AND FOREIGN EXPERIENCE

Abstract. This research provides an in-depth analysis of the essence and theoretical foundations of the administrative-legal activity of the National Guard within the public security system. In the context of the reforms implemented in New Uzbekistan, the transformation of the National Guard from a purely military-guard structure into a humanistic, socio-preventive institution, as well as its direct involvement at the mahalla level, is revealed. Furthermore, a

comparative study of the scientific views of local and foreign (CIS, Asia, Europe, and Latin America) legal scholars and advanced legislative practices has been conducted.

As a result of the analysis, a unique author's definition of the subject matter has been developed, and its scientific and practical significance for improving legislation and law enforcement practices is substantiated.

Keywords: public security, National Guard, administrative-legal activity, crime prevention, mahalla institution, public order, foreign experience.

Бугунги шиддат билан ўзгариб бораётган глобаллашув жараёнлари, геосиёсий беқарорликлар ва трансмиллий таҳдидларнинг тобора ортиб бориши шароитида, ҳар бир мустақил ва суверен давлатнинг энг устувор ҳамда кечиктириб бўлмайдиган вазифаларидан бири бу – ўз фуқароларининг тинчлигини, осойишталигини, ҳаётининг муҳим манфаатларини ва энг асосийси, жамоат хавфсизлигини кафолатли таъминлашдан иборатдир. Шу ўринда, Ўзбекистон Республикаси Президенти *Ш.Мирзиёев* раҳбарлигида Янги Ўзбекистонда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар тизимида, хусусан, жамоат хавфсизлиги секторида амалга оширилаётган туб, тизимли ва концептуал ислохотларнинг мазмун-моҳияти билан бевосита ва узвий боғлиқдир. Давлат раҳбарининг бугунги кундаги сиёсий-ҳуқуқий иродаси анъанавий, эскирган ва кўпинча фақат жазоловчи (*репрессив*) механизмларга таянувчи ёндашувлардан бутунлай воз кечиб, инсоннинг олий қадрият эканлигини, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини улуғловчи, “*инсон қадри учун*” тамойилига асосланган мутлақо янги профилактик, ижтимоий-ҳуқуқий ва инсонпарвар ҳимоя тизимини яратишга қаратилган. Бу улкан тарихий бурилишнинг юридик пойдевори сифатида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартдаги “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6196-сон Фармони майдонга чикди ва у жамоат хавфсизлиги доктринасининг концептуал манбаи бўлиб хизмат қилмоқда¹.

Ушбу Фармон мазмунига чуқур илмий таҳлил нуктаи назаридан ёндашадиган бўлсак, унда ички ишлар органлари, Миллий гвардия ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи тузилмалар фаолиятини ташкил этишнинг мутлақо янги, илмий асосланган механизмлари белгилаб берилганига гувоҳ бўламиз. Хусусан, Фармонда ҳар бир маҳалла, оила ва шахс кесимида жиноятчиликнинг асл сабабларини, уни келтириб чиқарувчи ижтимоий-иқтисодий ва руҳий омилларни эрта аниқлаш ва уларни бартараф этиш орқали ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш устувор мақсад қилиб қўйилди. Шунингдек, жиноятчиликка қарши курашишга оид муаммоларни бевосита жойларнинг ўзида (*қуйи бўғинда*) ҳал этиш, ҳудудларда жиноятчилик аҳволидан (*криминоген вазиятдан*) келиб чиқиб, ҳар бир туман, шаҳар ва маҳаллаларни махсус тоифаларга ажратиш ҳамда давлат ҳокимияти органлари, секторлар ва кенг жамоатчилик билан яқин ҳамкорликда “*жиноят ўчоқлари*”ни бартараф этиш учун барча зарур маъмурий куч ва воситаларни жалб қилиш механизми жорий этилди².

Ушбу жараёнда энг муҳим институционал ўзгаришлардан бири сифатида “*республика — вилоят — туман — маҳалла*” тизими асосида яхлит бошқарув ва узлуксиз

¹ *Мирзиёев Ш.М.* “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ 6196-сон Фармони // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. – URL: <https://lex.uz/docs/5344118>

назорат қилиш механизмларининг жорий этилишини кўрсатиш мумкин. Бу механизм ички ишлар ва бошқа давлат органларининг, хусусан, Миллий гвардиянинг жамоат хавфсизлигини таъминлаш борасидаги фаолиятини самарали мувофиқлаштириш орқали мамлакатимизда тинчлик ва барқарорликни кафолатлашга хизмат қилади. Фармондаги энг инқилобий қоидалардан бири шундан иборатки, ички ишлар органларининг таянч пунктлари негизида маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканлари босқичма-босқич ташкил этилиши ҳамда ушбу масканлар негизида ҳудуддаги ички ишлар органларининг тегишли соҳавий хизматлари билан бир қаторда бевосита Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ва бошқа давлат органларининг мувофиқлаштирилган фаолияти ташкил этилиши қатъий белгилаб қўйилди³.

Бу дегани, Миллий гвардиянинг фаолияти эндиликда фақатгина тор доирадаги ҳарбий вазифаларни бажариш, йирик стратегик объектларни кўриқлаш ёки фавқулодда оммавий тартибсизликларни бартараф этиш билан чекланиб қолмайди. Аксинча, Миллий гвардия бевосита жамиятнинг энг қуйи, аммо энг муҳим бўғини бўлмиш маҳаллаларда жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш, профилактика инспекторлари билан елкама-елка туриб аҳолининг тинчлигини кўриқлаш жараёнининг узвий, ажралмас ва фаол иштирокчисига айланди. Бу эса Миллий гвардиянинг жамоат хавфсизлиги тизимидаги маъмурий-ҳуқуқий ваколатларини илмий нуқтаи назардан чуқур қайта кўриб чиқиш, унинг маҳаллий даражадаги профилактик фаолиятдаги иштирокини маъмурий ҳуқуқ, давлат бошқаруви ва полицияшунослик (*police science*) доктриналари асосида юридик жиҳатдан асослаш заруратини мисли кўрилмаган даражада кучайтиради. Шу нуқтаи назардан, Миллий гвардиянинг маъмурий-ҳуқуқий фаолияти тушунчасини, унинг моҳиятини очиб бериш, миллий ва хорижий ҳуқуқшунос олимларнинг бу борадаги илмий қарашларини тизимли ва академик таҳлил қилиш орқали мазкур соҳанинг назарий базасини бойитиш, шунингдек, ягона илмий асосланган муаллифлик таърифини ишлаб чиқиш ушбу диссертациянинг ва айнан мазкур параграфнинг энг устувор ва долзарб мақсадларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон миллий ҳуқуқшунослигида жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳаси, хусусан, ҳарбийлаштирилган тузилмалар ва Миллий гвардиянинг маъмурий-ҳуқуқий фаолияти қатор ҳуқуқшунос олимлар томонидан турли ракурсларда тадқиқ этилган. Хусусан, Ўзбекистонда криминология ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасининг йирик намояндаларидан бири *И. Исмоилов* ўзининг фундаментал тадқиқотларида жамоат хавфсизлигини шунчаки жиноятчиликнинг йўқлиги эмас, балки кенг қамровли, кўп факторли ижтимоий-ҳуқуқий ҳодиса сифатида баҳолайди. Олимнинг концептуал қарашларига таянадиган бўлсак, жамоат хавфсизлигини таъминлашда маъмурий-ҳуқуқий чораларнинг ўрни бекиёс бўлиб, Миллий гвардия сингари замонавий тузилмаларнинг асосий моҳияти фақатгина содир этилган жиноят оқибатлари билан шафқатсиз курашишдан иборат эмас. Аксинча, бундай тузилмаларнинг бош маъмурий вазифаси аҳоли гавжум жойларда, таълим муассасаларида, истироҳат боғлари ва энг асосийси, маҳаллаларда виктимологик профилактикани мунтазам амалга ошириш орқали жиноятларни келтириб чиқарувчи сабаб ва шарт-шароитларни энг эрта босқичда нейтраллаштиришдан иборатдир. Шунингдек, *И. Исмоилов* Миллий гвардия фаолиятига айнан профилактик ва диспозитив функцияларнинг бириктирилишини

³ Ўша манбаа: <https://lex.uz/doc-passport/5344118>, 3-бет

Ўзбекистондаги замонавий жамоат хавфсизлигини таъминлаш фанининг энг катта ютуғи сифатида эътироф этади⁴. Ушбу ёндашувни мантиқан давом эттирган ҳолда, жинойт ҳуқуқи ва жамоат хавфсизлигининг узвийлигини узоқ йиллар давомида тадқиқ этган таниқли олим *М. Рустамбаев* маъмурий ҳуқуқбузарликлар ва жинойтлар ўртасидаги нозик ва кўпинча кўринмас чегарани назорат қилишда махсус ваколатли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг муҳимлигини алоҳида таъкидлайди. Унинг илмий қарашлари ва назарий хулосаларига кўра, Миллий гвардиянинг маъмурий-ҳуқуқий фаолияти бу, бир қарашда, давлатнинг мажбурлов аппаратларидан (*coercive apparatus*) бири бўлиб кўринса-да, унинг туб мақсади жисмоний ва юридик шахсларнинг қонуний манфаатларини турли ташқи ва ички тажовузлардан соф маъмурий-ҳуқуқий воситалар ёрдамида ҳимоя қилишда намоён бўлади. Олим бу воситалар қаторига патруллик қилиш, муҳим объектларни қўриқлаш, рухсат бериш тартиб-таомилларини назорат қилиш ва жамоат жойларида визуал хавфсизлик муҳитини яратишни киритади⁵.

Давлат ва ҳуқуқ назарияси ҳамда конституциявий ҳуқуқ нуктаи назаридан масалага ёндашган профессор *Ҳ. Одилқориев* эса жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминловчи органларнинг конституциявий мақомини чуқур таҳлил қилади. Олим Миллий гвардиянинг маъмурий фаолиятига таъриф беришда унинг ўзига хос “*иқкиламчи табиати*”ни, яъни ҳам ҳарбий интизомга асосланган, ҳам ҳуқуқни муҳофаза қилувчи фуқаролик йўналишига эга эканлигини ажратиб кўрсатади. Унга кўра, Миллий гвардия давлат бошқарув тизимида ижро этувчи ҳокимиятнинг махсус вазифаларни бажарувчи субъекти бўлиб, унинг маъмурий-ҳуқуқий методлари фақатгина императивлик (*буюруқ ва бўйсундириш*) тамойилига эмас, балки диспозитивлик (*фуқаролар билан ўзаро ишончли ҳамкорлик, уларнинг розилиги ва ёрдамига таяниш*) тамойилларининг интеграциясига асосланиши лозим дейди⁶.

Мазкур масаланинг институционал ва ташкилий-ҳуқуқий жиҳатларини тадқиқ этган олим *И. Турғунов* эса муаммога соф маъмурий бошқарув ракурсидан ёндашади. Унинг илмий қарашларига кўра, Миллий гвардиянинг жамоат хавфсизлигини таъминлаш жараёнига жалб этилиши – бу шунчаки ваколатларнинг кенгайиши эмас, балки ҳуқуқбузарликлар профилактикаси субъектлари тизимининг «институционал ихтисослашуви»дир. Олимнинг таъкидлашича, замонавий ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизимида Миллий гвардияга айнан жамоат тартибини сақлаш ва виктимологик профилактика вазифаларининг юклатилиши – давлат маъмурий бошқарувида вазифалар дубликациясининг (*бири-бирини такрорлашининг*) олдини олишга ҳамда жамоат жойларида хавфсизликни таъминлашнинг янги, мустақил механизмини яратишга хизмат қилади⁷.

Бевосита маъмурий ҳуқуқ ва ички ишлар органлари бошқаруви соҳасидаги кўп йиллик изланишлари билан танилган *Б. Муҳамедов* эса жамоат хавфсизлигини таъминлаш

⁴ *Исмоилов И.* Жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг замонавий концепцияси ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ўрни // Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг Ахборотномаси. – Тошкент, 2021. – № 2. – Б. 14-15.

⁵ *Рустамбаев М.Т.* Ўзбекистон Республикаси жинойт ҳуқуқи. Умумий қисм. Олий таълим муассасалари учун дарслик. – Т.: “Yuridik adabiyotlar publish”, 2020. – Б. 56-58.

⁶ *Одилқориев Ҳ.Т.* Давлат ва ҳуқуқ назарияси: Олий ўқув юртлари учун дарслик. – Тошкент: «Адолат», 2018. – Б. 214-216.

⁷ *Турғунов И.* Жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг институционал механизмларини такомиллаштириш: маъмурий-ҳуқуқий таҳлил // Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг Ахборотномаси. – Тошкент, 2021. – № 1. – Б. 45-46.

фаолиятига маъмурий-ҳуқуқий режимлар назарияси орқали ёндашади.

Олимнинг алоҳида қайд этишича, Миллий гвардиянинг маъмурий фаолияти фавқуллоҳда ҳолатлар, оммавий спорт ва маданий тадбирлар, шунингдек, алоҳида муҳим ва тоифаланган объектларни кўриқлаш каби қатъий белгиланган ва қонун билан тасдиқланган маъмурий режимлар доирасида жамият барқарорлигини сақлашга қаратилган юридик аҳамиятга эга ҳаракатлар ва қарорлар йиғиндисидир. *Б. Муҳамедов* фикрича, Миллий гвардия маъмурий режимларни таъминлар экан, у фуқароларнинг кундалик ҳаётига асоссиз аралашувлардан тийилиши ва фақат хавф туғилгандагина ўз ваколатларини реализация қилиши керак⁸.

Миллий гвардия институтининг шаклланиши ва ривожланиши тарихини, унинг норматив-ҳуқуқий базасини бевосита ва чуқур ўрганган ёш тадқиқотчи олимлардан бири *Ш. Зиёдуллаев* ушбу тузилманинг мустақил маъмурий-ҳуқуқий мақомини алоҳида ажратиб кўрсатади. Олим томонидан берилган таърифга кўра, *Миллий гвардиянинг маъмурий-ҳуқуқий фаолияти* – бу қонунчиликда қатъий белгиланган ваколатлар доирасида жамоат жойларида тартибни сақлаш, кўриқлаш хизматини юқори сифатда кўрсатиш, шунингдек, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритиш (баённомалар тузиш ва кўриб чиқиш) орқали жамоат тартибига қарши қаратилган қилмишларни бартараф этишдан иборат мақсадли ва узлуксиз ҳуқуқий жараёндир. Бу жараёнда Миллий гвардия ички ишлар органларининг тўлақонли ҳамкори сифатида майдонга чиқади⁹.

У. Тожихонов ва *А. Саидовлар* фикрича эса жамиятдаги ҳуқуқий маданият ва жамоат тартибини сақлаш муаммоларини фалсафий-ҳуқуқий жиҳатдан таҳлил қилиб, ҳарбийлаштирилган тузилмаларнинг фуқаролар билан ўзаро кундалик муносабатларида маъмурий этика (*деонтология*) ва хушмуомалалик қоидаларини биринчи ўринга қўяди. Олимнинг теран қарашларига таянсак¹⁰, Миллий гвардия ходимларининг маъмурий фаолияти нафақат соф юридик ҳуқуқни қўллаш (*law enforcement*), балки жамиятда ҳуқуқий онгни ўстириш, фуқароларнинг давлат ҳимоясида эканлигини ҳис қилишини таъминлаш ва давлат ҳокимиятига нисбатан ҳурматни шакллантиришдек ўта муҳим ғоявий-тарбиявий функцияни ҳам бажаради. Ушбу ёндашув бевосита ПФ-6196-сон Фармондаги “*ички ишлар органлари ва жамоат хавфсизлиги тузилмалари ходимларининг замонавий қиёфасини яратиш*” концептуал вазифаси билан бевосита ҳамоҳанг бўлиб, гвардиячининг қиёфаси репрессив эмас, ҳимоячи тимсолида бўлишини илмий асослайди.

Давлат хавфсизлиги ва маъмурий бошқарув тизими доирасида Миллий гвардия фаолиятининг маъмурий-мажбурлов механизмларини тизимли ўрганган олим *Ф. Тоҳировнинг* фикрича, Миллий гвардиянинг жамоат хавфсизлигини таъминлашдаги ўзига хос табиати ва устунлиги унинг бир вақтнинг ўзида учта йирик институтни: маъмурий превенция (*олдини олиш чоралари*), маъмурий чеклаш (*ҳуқуқбузарликнинг йўлини тўсиш*) ва маъмурий жавобгарликка тортиш ваколатларини ўзида мужассам этганлигидадир. Олимнинг таъкидлашича, бу учта механизмнинг синхрон ишлаши Миллий гвардияни жамоат хавфсизлиги тизимидаги энг тезкор ва самарали

⁸ *Муҳамедов Б.Т.* Жамоат тартибини сақлашда маъмурий-ҳуқуқий режимларнинг ўрни: назария ва амалиёт // Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг Ахборотномаси. – Тошкент, 2020. – № 3. – Б. 28-30.

⁹ *Зиёдуллаев Ш.* Миллий гвардиянинг маъмурий-ҳуқуқий мақоми: назарий ва амалий масалалар // Ўзбекистон қонунчилиги таҳлили. – Тошкент, 2023. – № 3. – Б. 12-16.

¹⁰ *Тожихонов У., Саидов А.* Ҳуқуқий маданият назарияси. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 1998. – Б. 45-46.

институционал кучга айлантиради¹¹.

Нихоят, криминал жазоларни ижро этиш ва пробация тизимлари билан жамоат хавфсизлигининг боғлиқлигини илмий асослаган тадқиқотчи *А. Якубов* ўз қарашларида Миллий гвардиянинг маъмурий-ҳуқуқий фаолияти фақатгина кўчалардаги тартибни сақлаш билан чекланмаслигини уқтиради. Унинг назарий хулосасига кўра, Миллий гвардия муқаддам судланган шахслар ва пробация назоратидаги шахслар томонидан рецидив жиноятлар содир этилишининг олдини олишда, уларнинг ижтимоий мослашувини назорат қилишда ҳудудий ички ишлар органларига ва маҳалла фаолларига яқиндан кўмаклашиш орқали профилактик маконни узлуксиз назорат қилади¹².

Ушбу маҳаллий олимларнинг турли йўналишлардаги қарашларини умумлаштирган ҳолда қатъий хулоса қилиш мумкинки, Ўзбекистонда Миллий гвардиянинг маъмурий-ҳуқуқий фаолияти доимий равишда кенгайиб бораётган, соф ҳарбий-қўриқлаш мақомидан инсонпарвар, ижтимоий-профилактик ва сервис мақомига қараб муваффақиятли транзит қилаётган ўта мураккаб, комплекс ҳуқуқий институт сифатида талкин қилинмоқда.

Шу ўринда, МДХ мамлакатлари ҳуқуқшунос олимларининг илмий-назарий қарашлар таҳлилига назар ташласак. Хусусан, *Россия Федерацияси, Қозоғистон ва Беларусь* каби давлатларда “Миллий гвардия” ёки унга функционал тенглаштирилган ҳарбий-полициявий тузилмалар фаолиятини маъмурий-ҳуқуқий тартибга солиш масаласи ва уларнинг жамоат хавфсизлигидаги ўрни қатор етакчи хорижий олимлар томонидан чуқур ўрганилган ва ўзига хос мактаблар яратилган. Масалан, россиялик таниқли олим *В.М. Шенишин* ўзининг “Хавфсизликни таъминлаш ҳуқуқий категория сифатида” номли фундаментал мақоласида Россия Федерацияси Миллий гвардияси қўшинларининг (*Росгвардия*) жамоат хавфсизлигини таъминлашдаги ўрнини замонавий маъмурий-ҳуқуқий доктрина нуқтаи назаридан кенг таҳлил қилади. Олимнинг илмий қарашига кўра, маъмурий-ҳуқуқий доктринада хавфсизликни таъминлаш бу шунчаки жараён эмас, балки “хавфсизлик объектларининг зарур ҳимоя даражасини яратиш ва сақлаб туришга қаратилган давлат сиёсатини амалга ошириш, шахс, жамият ва давлатнинг ҳаётий муҳим манфаатларига қаратилган реал ва потенциал таҳдидларга адекват (мос келувчи) норматив-ҳуқуқий, ташкилий, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва бошқа турдаги чора ва воситаларни қўллаш жараёнидир”. *В.М. Шенишин* ўз тадқиқотида Россиянинг “Хавфсизлик тўғрисида”ги Федерал қонунига таяниб, Миллий гвардия айнан шу давлат сиёсатининг ижрочи механизми эканлигини асослайди¹³.

Бошқа бир тадқиқотчи *К.Ю. Губарева* эса Миллий гвардиянинг маъмурий-ҳуқуқий регламентацияси методологиясини мутлақо янгича ёндашув асосида тадқиқ этади. Унинг фикрича, жамоат тартибини сақлаш ва уни изчил ҳимоя қилиш кўп жиҳатдан айнан миллий гвардия қўшинларининг мавжудлиги ва уларнинг жамоат жойларидаги физик иштироки омили билан таъминланади. Бу тузилма ўз иштироки билан превентив бошқарув функцияларини, хусусан, жамиятда қонуний хулқ-атворни рағбатлантирувчи (мотивацион) функцияни бажаради.

¹¹ Тоҳиров Ф.Т. Миллий гвардия фаолиятида маъмурий-мажбурлов чораларини қўллашнинг ўзига хос хусусиятлари // Жамоат хавфсизлиги. – Т.: 2023. – № 2. – Б. 34.

¹² Якубов А. Жамоат хавфсизлигини таъминлашда Миллий гвардия ва пробация органларининг ҳамкорлиги: назарий ва ҳуқуқий жиҳатлар // Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг Ахборотномаси. – Тошкент, 2019. – № 3. – 42-б.

¹³ Шенишин В.М. “Обеспечение безопасности как правовая категория” // <https://cyberleninka.ru/article/n/obespechenie-bezopasnosti-kak-pravovaya-kategoriya>.

Энг қизикарлиси, *К.Ю. Губарева* Миллий гвардиянинг маъмурий фаолиятини ўрганишда анъанавий маъмурий-буюруқбозлик (*императив*) методидан кўпроқ маъмурий-рухсат бериш (*диспозитив ёки дозволительный*) методига ўтиш тенденциясини ёқлайди.

У бунга ёрқин мисол тариқасида Миллий гвардиянинг курул муомаласини назорат қилиш ва лицензиялаш соҳасидаги фаолиятини келтиради ва бу орқали давлат монополияси доирасида хавфсизликни таъминлашни тушунтиради¹⁴.

Маъмурий ҳуқуқ соҳасидаги классик асарлари билан танилган *Л.Л. Попов* ўз тадқиқотларида жамоат хавфсизлигини таъминлашда ҳарбийлаштирилган тузилмаларнинг ўрнини “*маъмурий мажбурлов ва маъмурий жавобгарлик ўртасидаги нозик воситачи институт*” сифатида баҳолайди. Унинг қарашларига кўра, миллий гвардия нафақат давлатнинг куч ишлатар механизми, балки жамият ва давлат ўртасидаги муносабатларда аҳоли осойишталигини маъмурий-ҳуқуқий жиҳатдан қафолатловчи мустаҳкам қалқон вазифасини ўтайди. Олимнинг фикрича, ҳарбий интизом ва маъмурий ҳуқуқ нормаларининг қоришуви гвардия ходимларига фавқулодда вазиятларда хатосиз қарор қабул қилиш имконини беради¹⁵.

Шунингдек, *Ю.М. Козлов* маъмурий бошқарувнинг мураккаб механизмларини ёритиб, жамоат хавфсизлигини таъминловчи органлар тизимида Миллий гвардия фаолиятини “*махсус маъмурий-ҳуқуқий режимларни ўрнатувчи, қўллаб-қувватловчи ва назорат қилувчи фаолият*” сифатида тавсифлайди. Унга кўра, гвардиянинг маъмурий-ҳуқуқий фаолияти оддий тинчлик шароитида ҳам, давлат бошқарувини фавқулодда инкирозли шароитларда барқарор сақлашда ҳам бевосита хизмат қиладиган кўп функцияли тизимдир¹⁶. *А.В. Мелехин* эса ички кўшинлар ва уларнинг замонавий трансформацияси натижасида вужудга келган Миллий гвардиянинг назарий-ҳуқуқий мақомини тадқиқ қилиб, бу тузилма фаолиятидаги соф маъмурий-юримдик табиат айнан унинг жамоат жойларидаги патруллик-пост хизматларида, оммавий тадбирлардаги тартибни сақлашда ва рухсат бериш (*лицензия-рухсатномалар бериш*) хизматларида энг ёрқин намоён бўлишини илмий асослаб беради. Олимнинг таъкидлашича, ҳарбийлашган тузилманинг фуқаролик ҳуқуқий муносабатларига киришиши фақат қатъий маъмурий регламентлар орқалигина қонунийлаштирилиши мумкин¹⁷.

Қозоғистонлик етакчи жамоат хавфсизлиги тадқиқотчиси *С.С. Мауленов* Қозоғистон Миллий гвардиясининг полиция органлари билан оператив ва маъмурий ҳамкорлиги моделини маъмурий-ҳуқуқий жиҳатдан баҳолайди. Унинг назариясига кўра, Миллий гвардиянинг функциялари фуқаролик полициясининг функцияларини такрорлаш ҳисобига сунъий равишда кенгайтирилмаслиги керак. Аксинча, у фақат полициянинг кучлари етмаган ҳудудларда вазиятни барқарорлаштирувчи, зарур бўлганда ҳуқуқий ёрдам кўрсатувчи ва профилактика жараёнларида иштирок этувчи захира маъмурий куч сифатида қаралиши лозим. Бу ёндашув ресурсларнинг оқилона тақсимланишига олиб

¹⁴ Губарева К.Ю. Охрана общественного порядка и обеспечение общественной безопасности как предмет административно-правовой регламентации полномочий войск национальной гвардии российской федерации // <https://cyberleninka.ru/article/n/ohrana-obschestvennogo-poryadka-i-obespechenie-obschestvennoy-bezopasnosti-kak-predmet-administrativno-pravovoy-reglamentatsii>.

¹⁵ Попов Л.Л. Административные процедуры и контроль в свете европейского опыта // Административное право и процесс. – Москва, 2017. – № 1. – С. 12-16.

¹⁶ Козлов Ю.М. Административное право: Учебник. — Москва: Юристъ, 2005. — С. 512-518

¹⁷ Мелехин А.В. Войска национальной гвардии Российской Федерации: административно-правовой статус и полномочия // Административное право и процесс. – 2017. – № 6. – С. 45-51.

келади¹⁸. Россия ҳуқуқшунослигида жамоат тартибини сақлаш тизимида турли субъектларнинг мувофиқлаштирилиши масаласини чуқур ўрганган А.А. Смирнов Миллий гвардия маъмурий-ҳуқуқий фаолиятининг моҳиятини “*давлатнинг легитим монополь эквивалент ҳуқуқини қонуний, пропорционал ва маъмурий регламентлар асосида фақатгина жамоат манфаатлари йўлида қўллаш ва унинг олдини олиш санъати*” деб ўзига хос тарзда таърифлайди¹⁹. Ҳуқуқий режимлар назариясининг йирик асосчиларидан бири сифатида эътироф этилган Н.И. Матузов эса Миллий гвардия бевосита иштирок этадиган жамоат хавфсизлиги ва фавқулодда ҳолат режими – бу давлат ижроия ҳокимияти ва фуқаролик жамияти ўртасидаги конституциявий мувозанатни сақловчи энг муҳим маъмурий-ҳуқуқий механизмдир, деган фундаментал ғояни илгари суради²⁰.

Хулоса қилиб айтганда, МДХ мамлакатлари олимларининг қарашларида Миллий гвардиянинг маъмурий-ҳуқуқий фаолиятига асосан давлат хавфсизлиги ва фуқаролик жамоат тартиби ўртасидаги боғловчи бўғин, қатъий маъмурий мажбурлов ҳамда диспозитив руҳсат бериш методларининг мураккаб ва узлуксиз синтези сифатида қаралади ва бу ёндашувлар диссертациянинг назарий қисмини бойитишга хизмат қилади²¹.

Осиё китъаси, хусусан, Яқин Шарқ, Туркия, шунингдек, Узоқ Шарқ ва Жанубий Осиё мамлакатларида жандармерия, миллий гвардия ва ҳарбий мақомдаги полиция кучларининг жамоат хавфсизлигидаги иштироки бўйича ўзига хос тарихий анъаналарга эга бўлган йирик илмий мактаблар шаклланган бўлиб, уларнинг таҳлили катта илмий аҳамият касб этади. Жумладан, Иорданиялик етук тадқиқотчи А. Ал-Маайта ўзининг Иордания Миллий хавфсизлик кенгаши ва Жандармерияси фаолиятига бағишланган таҳлилий асарларида жамоат хавфсизлигини таъминлаш фрагментар эмас, балки комплексли ёндашувни талаб қилишини кучли далиллар билан қайд этади. Унинг илмий фикрича, жамиятдаги кундалик жиноятлар, майда безорилик ва жамоат тартибини бузиш ҳолатлари фақатгина фуқаролик Жамоат хавфсизлиги бошқармаси орқали эмас, балки Жандармериянинг бевосита кўмаги орқали ҳал қилинади. Уларнинг биргаликдаги фаолияти бевосита маъмурий ҳуқуқ нормаларига ва жамоат тартибини ҳимоя қилиш доктринасига қатъий суянади. Олим Жандармериянинг маъмурий фаолиятини жамиятни кундалик хавфлардан ҳимоя қилиш ва давлатнинг ички барқарорлигини таъминловчи энг тезкор маъмурий-ижрочи восита деб билади²².

Гарчи америкалик олим бўлса-да, Афғонистон, Ироқ ва Яқин Шарқ каби Осиё давлатларидаги барқарорлаштириш ва тинчлик ўрнатиш операцияларини узоқ йиллар тадқиқ қилган М. Dziedzic ўзининг илмий ишларида ҳарбий мақомдаги полиция тузилмаларининг (*Gendarmerie Type Forces - GTF*) “жамоат хавфсизлиги бўшлиғи”ни (*public security gap*) тўлдиришдаги ўрнини бекиёс ва тенгсиз деб баҳолайди. Унинг назариясига кўра, урушдан кейинги ёки инқирозли шароитларда маҳаллий фуқаролик

¹⁸ Мауленов С.С. Организационно-правовые основы деятельности правоохранительных органов по обеспечению общественной безопасности: монография. – Алматы: Жеті жарғы, 2019. – С. 112-114.

¹⁹ Смирнов А.А. Административно-правовые основы участия войск национальной гвардии Российской Федерации в обеспечении общественного порядка // Административное право и процесс. – 2018. – № 4. – С. 35-40.

²⁰ Матузов Н.И. Актуальные проблемы теории права. – Саратов: Изд-во СГАП, 2004. – С. 142-145.

²¹ Попков Д.В., Фролова Л.В. “Обеспечение безопасности как правовая категория” // <https://cyberleninka.ru/article/n/obespechenie-bezopasnosti-kak-pravovaya-kategoriya>

²² Saleh Mohidat & Hazem Toubat “Constitutional protection of national security/a study in light of the Jordanian Constitution” // <https://www.tandfonline.com/doi/full>

полицияси вазиятни, оммавий тартибсизликларни назорат қила олмаган ҳолларда Миллий гвардия ёки Жандармериянинг маъмурий-ҳуқуқий ва оператив салоҳияти ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Уларнинг ҳарбий интизоми ва полициявий ваколатлари хавфсизлик вакуумини дарҳол тўлдиради²³.

Туркиялик ҳуқуқшунос ва бошқарув мутахассиси Т. Ўзтюрк Туркиядаги ички хавфсизлик бошқаруви ва кучли Жандармерия тизими фаолиятидаги энг катта муаммолардан бири сифатида “жамоатчилик олдидаги ҳисобдорлик” (*public accountability*) масаласини илмий доираларда кўтаради. Унинг назарий ва эмпирик таҳлилларига кўра, жандармерия ва соҳил хавфсизлик ташкилотлари авваламбор маъмурий ҳуқуқ категориялари сифатида қабул қилиниши ва талқин қилиниши лозим бўлиб, жамоат хавфсизлиги концепцияси бу, асосан, жамоат жойларида мунтазам содир бўладиган патологик ҳодисалардан ҳимояланиш демакдир. Бу ҳимоя эса жамият назоратсиз амалга ошса, авторитар тенденцияларни келтириб чиқариши мумкин²⁴.

Яна бошқа турк олими Ahmet Barbak Жандармерия Бош қўмондонлигининг Туркиянинг вилоят маъмурий қонунчилиги (*Provincial Administrative Law*) доирасидаги мураккаб фаолиятини ўрганиб, бундай кудратли тузилмаларнинг жойларда губернаторлар ва туман ҳокимларига оператив бўйсунishi, аммо айти пайтда ички ҳарбий интизомга эга бўлишининг маъмурий-ҳуқуқий афзалликлари ва зиддиятларини илмий жиҳатдан батафсил изоҳлайдилар. Уларнинг фикрича, бу икки хил тизимга (*иҷро ҳокимияти ва ҳарбий*) бўйсунish Жандармериянинг фаолиятини ҳудудий хусусиятларга мослаштиради²⁵.

Хитойлик олим J. Wuthnow Хитой Халқ Қуроли Полициясининг (*CAPF - Миллий гвардиянинг хитойча аналогу*) улкан демографик шароитда жамоат тартибини сақлашдаги марказий ўрнини маъмурий-ҳуқуқий жиҳатдан таҳлил қилиб, бундай кучларнинг асосий назарий вазифаси давлат ва жамият хавфсизлиги ўртасидаги нозик мувозанатни таъминлаш, оммавий тартибсизликлар вақтида фавқулодда маъмурий режимларни тезкорлик билан жорий этиш орқали жамоатчиликни тартибсизликлардан ҳимоя қилиш эканлигини уқтиради²⁶. Яна бир хитойлик тадқиқотчи C.Zhang замонавий жамоат хавфсизлиги концепцияси доирасида ҳарбийлаштирилган кучларнинг фуқаролик ҳуқуқлари билан баъзан юз берадиган тўқнашувларини тадқиқ этиб, маъмурий-ҳуқуқий фаолият ҳар қандай ҳолатда ҳам қатъий қонун устуворлиги (*rule of law*) тамойиллари асосида ва фақат мутаносиблик (*пропорционаллик*) мезонлари доирасида олиб борилиши шартлигини, акс ҳолда давлатнинг легитимлигига путур етишини илмий асослайди²⁷.

Ҳиндистон ҳуқуқшунослиги намояндаси A.Verma Ҳиндистоннинг Марказий Қуроли Полиция Кучларининг (CAPF) мураккаб федерал тизимдаги фаолиятини тадқиқ этиб, кенг қамровли демографик, диний ва этник шароитларда маҳаллий штат полициясининг имкониятлари ва ҳолислиги кўпинча чекланганлиги сабабли, жамоат хавфсизлигини таъминлашда марказий ҳарбий-маъмурий мақомга эга тузилмаларнинг доимий профилактик патруллиги ва кузатуви объектив зарурият эканлигини

²³ Dziedzic M. “Wat we vandaag doen met drones, is morgen achterhaald” // <https://militairespectator.nl>

²⁴ Ahmet Barbak “Citizen-Centered Public Security in Turkey: Policy and Practice” // <https://www.researchgate.net>

²⁵ Hale Akay. Security sector in turkey: questions, problems, and solutions // https://www.files.ethz.ch/isn/113849/ENGguvenRaporKunyaDuzelti10_03_10.pdf

²⁶ Wuthnow J. China's Other Army: The People's Armed Police in an Era of Reform. – Washington, D.C.: National Defense University Press, 2019. – P. 16-18.

²⁷ Zhang C. Who Commands the Gun? Mobilization and Use of China's Armed Police // The China Quarterly. – Cambridge: Cambridge University Press, 2022. – Vol. 251. – P. 725-728.

таъкидлайди²⁸.

Япониялик олим S.Miyazawa Япон ҳуқуқ тизими мисолида жамоат хавфсизлигини таъминлашда маъмурий ижро органларининг профилактик ролини ўрганиб, ҳарбийлаштирилган полиция тузилмаларининг маъмурий-ҳуқуқий фаолияти энг аввало жамиятга қўрқув солиш эмас, балки “*жамоатчиликка хизмат қилиш*” (*community service*) ғоясига тўлиқ бўйсунити кераклигини илмий ёқлайди. Унинг фикрича, юқори технологиялар ва маданий интизомга асосланган полиция модели келажак жамоат хавфсизлигининг юзидир²⁹.

Умуман олганда, Осиё мамлакатлари олимларининг қарашларидан келиб чиқадиган хулоса шуки, Миллий гвардия тоифасидаги кучларнинг маъмурий-ҳуқуқий фаолияти аҳоли зич жойлашган, ижтимоий динамика юқори бўлган ва беқарорликка таҳдидлар мавжуд бўлган минтақаларда давлат суверенитети ва жамоат хавфсизлигини кафолатловчи энг таъсирчан ва беминнат институционал восита бўлиб хизмат қилади³⁰.

Шунингдек, Европа мамлакатлари ҳуқуқшунос олимларининг илмий-назарий қарашларига назар ташласак, Европада Жандармерия (*Gendarmerie Type Forces - GTF*) институти узоқ асрлик тарихга эга бўлиб (*масалан, Франциядаги Maréchaussée*), унинг маъмурий-ҳуқуқий табиати қатор етук олимлар томонидан фундаментал даражада тадқиқ этилган ва бу соҳада ўзига хос классик ҳамда замонавий полицияшунослик мактаблари яратилган. Шу ўринда, таниқли тарихчи ва криминолог Clive Emsley ўзининг “*Gendarmes and the State in Nineteenth-Century Europe*” номли монументал тадқиқотларида жандармерия кучларининг бутун Европадаги тарихий эволюциясини ўрганиб, уларнинг моҳиятини шунчаки ҳарбий отрядлар эмас, балки ҳарбий интизом ва марказлашган бошқарув орқали фуқаролик жамиятида қонун устуворлигини ўрнатувчи ҳамда давлатнинг маъмурий ҳокимиятини энг чекка ҳудудларгача (*қишлоқ ва туманларгача*) ёювчи ўзига хос мукамал давлат аппарати сифатида тавсифлайди³¹. Унинг фикрича, Наполеон давридан бошланган бу анъана Европа маъмурий ҳуқуқининг ривожига муҳим ўрин тутган.

Derek Lutterbeck ўзининг “*The Paradox of Gendarmeries: Between Expansion, Demilitarization and Dissolution*” (2013) номли мақоласида Европада жандармерия кучларининг бир томондан кенгайиши ва иккинчи томондан уларни демилитаризация (*ҳарбийлик мақомидан маҳрум қилиш*) жараёнлари ўртасидаги парадоксларни илмий таҳлил қилади. Унинг назарий ёндашувига кўра, гарчи замонавий дунёда ички хавфсизликни демилитаризация қилиш тенденцияси фаол тарғиб қилинаётган бўлса-да, айнан ҳарбий мақомдаги полиция кучларининг кенг қамровли маъмурий-ҳуқуқий ваколатлари уларни трансмиллий жинойтчилик, террорчилик ва мураккаб хавфсизлик таҳдидларига қарши энг таъсирчан ва оптимал кучга айлантиришда давом этмоқда³². Hans Hovens эса Европа Жандармерия Кучлари мисолида халқаро ва миллий жамоат хавфсизлиги тизимидаги юқорида қайд этилган “бўшлик”ларни (*security gap*) бартараф

²⁸ Verma A. The New Khaki: The Evolving Nature of Policing in India. – Boca Raton: CRC Press, 2011. – P. 85-88.

²⁹ Miyazawa S. Policing in Japan: A Study on Making Crime. – Albany: State University of New York Press, 1992. – P. 22-25.

³⁰ Saleh Mohidat & Hazem Toubat “Constitutional protection of national security/a study in light of the Jordanian Constitution” // <https://www.tandfonline.com/doi/full>

³¹ Emsley C. Gendarmes and the State in Nineteenth-Century Europe. – Oxford: Oxford University Press // <https://www.coespu.org/articles/maritime-gendarmeries-possible-conceptual-approach-their-added-value>

³² By João Duque Martinho “Maritime Gendarmeries: a possible conceptual approach to their added value” // <https://www.coespu.org/articles/maritime-gendarmeries-possible-conceptual-approach-their-added-value>

этиш механизмларини тадқиқ қилади. Олимнинг таъкидлашича, бундай тузилмалар оператив нуқтаи назардан “очиқ клуб” бўлиб, уларнинг гибрид табиати уларга ҳам фуқаролик полицияси миссияларида, ҳам соф ҳарбий контекстда юқори самарадорлик билан мураккаб маъмурий вазифаларни бажаришга тўлиқ имкон беради³³.

Armitage and Moisan каби европалик олимлар ўзларининг қўшма тадқиқотларида махсус кучлар ва анъанавий ҳарбий полиция куйи даражадаги барқарорлаштириш ва кундалик жамоат тартибини сақлаш ишлари учун тўлиқ жиҳозланмаганлигини, уларда аҳоли билан ишлаш кўникмалари етишмаслигини илмий асослайдилар. Шу сабабли, айнан Жандармерия туридаги кучлар маъмурий ва юридик ваколатларнинг, шунингдек, ҳарбий куч ва полициявий юмшоқликнинг энг мақбул синтези эканлигини илмий жиҳатдан исботлаб берадилар³⁴. *Dobbins et al. & Hillebrand* халқаро миқёсдаги жамоат хавфсизлиги ва тинчликпарвар операцияларида фуқаролик маъмурияти ва ҳарбий кучлар ўртасидаги интеграция жараёнларида жандармериянинг маъмурий-ҳуқуқий стандартлари энг яхши коммуникатив восита эканлигини, чунки улар тинч аҳоли билан ишлаш, оломонни бошқариш (*public order/crowd control management*) методларини пухта эгаллаганликларини уқтирадилар³⁵.

Грециялик тадқиқотчи *Charalampus, 2010* ўзининг илмий ишида Европа Жандармерия Кучларини (EGF) Европа Иттифоқи шартномалари доирасида бошқариладиган кучайтирилган ҳамкорликнинг бир юридик шакли сифатида кўриб чиқади. Унга кўра, жандармериянинг маъмурий-ҳуқуқий фаолияти турли вазиятларга мослашувчан бўлиб, у бир вақтнинг ўзида тезкор реакция кучи, аксил-террор ёки аксил-криминал кучи, шунингдек, ЕИнинг фуқаролик жамиятини қўллаб-қувватловчи “юмшоқ кучи” (*soft power*) воситаси сифатида намоён бўлади³⁶. *Isakova, 2005* назарияси бўйича эса, ҳарбий мақомдаги полиция маҳаллий полиция кучлари етарли бўлмаган, инқирозли ёки можародан кейинги вазиятларда жамоат тартиби ва хавфсизлигини сақлаш бўйича нафақат ҳарбий, балки маъмурий-полиция вазифаларини бутун спектр бўйлаб бажаришга қодир бўлган, маҳаллий полицияга маслаҳат бериш ва уларни ўқитиш функциясини ҳам бажара оладиган ноёб маъмурий-ҳуқуқий институтдир³⁷. *T. Godefroy* Франция Миллий Жандармерияси (*Gendarmerie Nationale*) ва бошқа ҳукумат агентликларининг уюшган жиноятчиликка қарши курашдаги маъмурий ёндашувларини таҳлил қилиб, ҳуқуқий тизимлардаги катта фарқни очиб беради. Унинг таъкидлашича, континентал ҳуқуқ тизимида (*масалан, Францияда*) маъмурий ҳуқуқ субъектга ва ўзига хос соҳаларга йўналтирилганлиги сабабли, жандармериянинг жамоат хавфсизлигидаги улкан ваколатлари қатъий маъмурий процессуал нормалар билан чегараланиб туради. Бу эса куч ишлатар тизимларнинг ўзбошимчалигини чеклаб, фуқаролар ҳуқуқларини мустаҳкам кафолатлашга хизмат қилади³⁸.

³³ [Maarten Katsman](https://militairespectator.nl) “Wat we vandaag doen met drones, is morgen achterhaald” // <https://militairespectator.nl>

³⁴ *Michiel de Weger* “The Potential of the European Gendarmerie Force” // <https://militairespectator.nl>

³⁵ *James Dobbins* “French Gendarmerie Nationale – Member State” // <https://eurogendfor.org/gendarmerie-nationale-francaise-full-member/>

³⁶ *Giovanni Arcudi & Michael E. Smith* “The European Gendarmerie Force: a solution in search of problems?” // [Full article: The European Gendarmerie Force: a solution in search of problems?](https://www.tandfonline.com/doi/full/10.1080/09662839.2012.747511)

³⁷ *Isakova, I.*, 2005. *ESDP after the EU constitution*, The RUSI journal 150 (1) (2005), pp. 33–37. DOI: 10.1080/03071840508522916 // <https://www.tandfonline.com/doi/full/10.1080/09662839.2012.747511>

³⁸ *Godefroy T.* The Control of Organised Crime in France: A Fuzzy Concept but a Handy Reference // *Organised Crime in Europe: Concepts, Patterns and Control Policies in the European Union and Beyond* / Ed. by C. Fijnaut, L. Paoli. – Dordrecht: Springer, 2004. – P. 763-794.

Европа ҳуқуқшунослари ва сиёсатшуносларининг қарашларини умумлаштирганда шу нарса тасдиқланадики, Миллий гвардия ёки Жандармерия бу шунчаки ҳарбийлаштирилган куч эмас, балки жамоат хавфсизлиги ва маъмурий ҳуқуқ тизимининг ажралмас, гибрид табиатга эга, инсон ҳуқуқларини бевосита кафолатловчи, ҳам миллий, ҳам халқаро миқёсда фаолият юрита оладиган ўта профессионал институтидир³⁹.

Лотин Америкаси минтақасида давлатларнинг ўзига хос мураккаб тарихий хусусиятлари, ҳарбий диктатуралардан демократияга ўтиш жараёнлари ҳамда ижтимоий тенгсизликдан келиб чиқадиган юқори криминоген вазиятлар сабабли, жамоат хавфсизлигини таъминлашда ҳарбий-полиция (*Carabineros, Policía Militar, Gendarmería*) кучларининг ўрни ниҳоятда кучли ҳисобланади. Бу минтақа олимларининг қарашлари юқоридаги минтақалардан фарқли ўларок, кўпроқ инсон ҳуқуқлари ва фуқаролик назорати нуқтаи назаридан танқидий-таҳлилий мазмунга эга. *Arturo Valenzuela* ўзининг сиёсатшунослик ва давлат ҳуқуқи йўналишидаги кенг қамровли асарларида Чилининг сўнгги ўн йилликлардаги ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий таркибий ўзгаришларини таҳлил қилади. Унинг эътирофича, Чилидаги машҳур Карабинерлар (*Carabineros*) тизими генерал Пиночетнинг қатъий ҳарбий режимларидан сўнг замонавий, демократик жамоат хавфсизлиги тизимига мослашишда ўта мураккаб ва зиддиятли маъмурий-ҳуқуқий эволюцияни бошдан кечирди. Шундай бўлса-да, бугунги кунда Карабинерлар давлатнинг ички барқарорлигини сақловчи энг муҳим ва ишончли конституциявий кучлардан бири бўлиб қолмоқда⁴⁰. *Lucía Dammert* бутун Лотин Америкасида “*фуқаролар хавфсизлиги*” (*citizen security*) ва анъанавий “*давлат хавфсизлиги*” (*state security*) концепцияларини ўзаро солиштириб, ҳарбийлаштирилган полиция кучларининг маъмурий фаолияти кўпинча аҳолига нисбатан ҳаддан ташқари репрессив ва авторитар характерга эга бўлиб қолиши мумкинлигини кескин танқид қилади. Унинг назарий хулосасига ва илгари сурган доктринасига кўра, бундай кучларнинг маъмурий-ҳуқуқий доираси қатъий равишда халқаро инсон ҳуқуқлари нормаларига бўйсундирилиши ва тўлиқ шаффоф демократик фуқаролик назорати остида фаолият юритиши шарт⁴¹. *David Pion-Berlin* Лотин Америкасида ҳарбийларнинг ички хавфсизликдаги тобора кучайиб бораётган ролини тадқиқ этиб, Миллий гвардия ёки Ҳарбий полиция тоифасидаги кучларни доимий равишда оддий кўча жиноятчилигига (*масалан, ўзғрилик ёки йўл ҳаракати қоидалари бузилишига*) қарши курашга кенг қўламда жалб қилиш уларнинг асл маъмурий-ҳуқуқий моҳиятини сунъий равишда ўзгартириб ва қадрсизлантириб юборишини таъкидлайди. Унинг фикрича, бу тузилмалар аслида уюшган жиноятчилик ёки йирик оммавий тартибсизликлар каби юқори интенсивликдаги таҳдидлар учунгина эксклюзив тарзда ишлатилиши лозим⁴².

J.M. Cruz Марказий Америка давлатларидаги (*масалан, Сальвадор, Гондурас*) мураккаб полиция ислохотларини ўрганиб, ҳарбий мақомга эга бўлган кучларнинг жамоат хавфсизлигидаги кундалик ваколатларини миллий маъмурий қонунчиликда жуда аниқ ва деталлаштирилган тарзда чегаралаш зарурлигини, акс ҳолда бундай чегарасиз ваколатлар

³⁹ <https://militairespectator.nl/artikelen/assessing-results-gendarmerie-type-forces-peace-and-stability-operations>

⁴⁰ https://tile.loc.gov/storage-services/master/frd/frdcstdy/ch/chilecountrystud00huds_0/-chilecountrystud00huds_0_djvu.txt

⁴¹ *Dammert L.* Militarization of Public Security in Latin America: Where are the Police? // *Latin American Security: Canadian and International Perspectives*. – Calgary: Centre for Military and Strategic Studies, 2013. – P. 115-131.

⁴² *Pion-Berlin D.* Military Use in Public Security Operations: Is it ever Advisable? // *Revista IUS*. – 2017. – Vol. 11. – No. 39. – P. 13-33.

тўғридан-тўғри фуқаролик эркинликларига путур етказишини илмий асослайди⁴³. *Jorge Zaverucha* Бразилия мисолида Ҳарбий Полициянинг (*Polícia Militar*) кундалик маъмурий фаолиятини таҳлил қилиб, бундай тузилмалар кўпинча ўзларининг алоҳида ҳарбий юрисдикциясидан фойдаланиб, оддий фуқаролик маъмурий жавобгарлик ва судлов тизимидан четда қолишга интилишларини танқид қилади. Унинг назарий жиҳатдан исботлашича, бу ҳолат давлат ичида ўзига хос “авторитар анклавлар”нинг сақланиб қолишига ва демократик институтларнинг заифлашувиغا олиб келади⁴⁴. *Claudio Muniz* Бразилияда жамоат хавфсизлиги органлари фаолиятини маъмурий-ҳуқуқий баҳолаб, профилактик полициянинг (*жумладан, Polícia Militar*) энг муҳим вазифаси тезкор реакция талаб қилувчи ва жамиятда қонуний ҳокимиятни ўрнатиш ёки тиклаш зарур бўлган криминоген ҳудудларда ўз ваколатларини намоён қилишдан иборат эканлигини таъкидлайди⁴⁵.

P. Fuentes Чили Карабинерлари (*Carabineros de Chile*) фаолиятида инсон ҳуқуқлари бўйича махсус таълимнинг жорий этилиши жараёнларини таҳлил қилади. У Сантьяго Ҳукумати ва Чили Университети ҳамкорлигидаги 203 миллион песолик инвестиция ва 100 соатлик Халқаро инсон ҳуқуқлари ҳуқуқи бўйича дастурлар мисолида тушунтирадики, замонавий, профессионал ва инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилувчи жамоат хавфсизлигини таъминлаш учун ҳарбийлашган тузилманинг маъмурий фаолиятида албатта “юмшоқ”, профилактик ва мулоқотга киришувчан методларни кескин кучайтириш зарур⁴⁶.

Лотин Америкаси тажрибаси ва олимларининг қарашларидан кўриниб турибдики, Миллий гвардиянинг маъмурий-ҳуқуқий фаолиятида инсон ҳуқуқларига қатъий риоя қилиш, ваколатларни суиистеъмол қилмаслик ва тузилма устидан демократик фуқаролик назоратини ўрнатиш ушбу минтақа учун энг асосий назарий ва амалий муаммо бўлиб қолмоқда⁴⁷.

Юқорида биз жамоат хавфсизлиги тизимида Миллий гвардия ва унга вазифаси жиҳатидан тенглаштирилган ҳарбий-полиция тузилмалари фаолиятининг моҳияти дунёнинг ривожланган ва ривожланаётган хорижий давлатларининг амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларида турли ёндашувлар асосида акс эттирилган. Мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмунини кенг қамровли таҳлил қилиш шуни яққол кўрсатадики, дунёнинг аксарият ривожланган ва ривожланаётган давлатларида Миллий гвардия (ёки унинг турли номлардаги муқобиллари: *Жандармерия, Карабинерлар, Ҳарбий полиция*) институтининг жамоат хавфсизлигини таъминлашдаги ўрни ва ҳуқуқий ваколатлари тобора кучайиб бормоқда. Барча хорижий қонунчилик ҳужжатларининг энг умумий ва фундаментал жиҳати бу – ушбу тузилмаларнинг “қўшалок ёки гибрид мақомга” эга эканлигининг қонуний эътироф этилишидир.

Улар ташкилий, логистик ва ички интизомий жиҳатдан мудофаа тизими ёки қуролли кучларнинг бир қисми бўлса-да, оператив ва кундалик маъмурий фаолият нуқтаи

⁴³ Cruz J. M. Police Legitimacy and Hybrid Security Orders in Central America // *Social Forces*. – 2022. – Vol. 100. – No. 4. – P. 1833-1855.

⁴⁴ Zaverucha J. The 1988 Brazilian Constitution and its Authoritarian Legacy: Formalizing Democracy and Militarizing the State // *Journal of Third World Studies*. – 1998. – Vol. 15. – No. 1. – P. 105-124.

⁴⁵ <https://en.wikipedia.org/wiki/Police>

⁴⁶ Fuentes P. Gobierno de Santiago y Universidad de Chile capacitan a Carabineros en Derechos Humanos // <https://www.gobiernosantiago.cl/2026/06/04/gobierno-de-santiago-y-universidad-de-chile-capacitan-a-carabineros-en-derechos-humanos/>

⁴⁷ <https://www.gobiernosantiago.cl/2026/06/04/gobierno-de-santiago-y-universidad-de-chile-capacitan-a-carabineros-en-derechos-humanos/>

назаридан тўғридан-тўғри Ички ишлар вазирлигига ёки маҳаллий ижро ҳокимияти органларига бўйсунди. Буни Туркия ва Франция тажрибалари мисолида яққол кўриш мумкин⁴⁸. Чилининг Ley 18961 қонуни ва Бразилия қонунчилигида уларнинг маъмурий профилактик функциялари (*масалан, preventive searches - профилактик тинтув ва текширувлар*) яққол ўз ифодасини топган бўлиб, улар турли маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг ва жиноятларнинг эрта олдини олишда фуқароларга энг яқин ва тезкор бўлган давлат институти ҳисобланади⁴⁹.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-6196-сон Фармони эса бу халқаро тажрибани ўзида мукамал сингдирган ҳолда, Миллий гвардияни янада қуйига – тўғридан-тўғри “*маҳалла*” даражасига тушириб, унга ички ишлар органлари (*профилактика инспекторлари*) билан елкама-елка туриб, бир масканда профилактик фаолият олиб бориш вазифасини юклаганлиги билан бутунлай янги, ўта ноёб ва истикболли маъмурий-ҳуқуқий инновацияни намоён қилади⁵⁰.

Юқорида батафсил келтирилган турли хил минтақалар ҳуқуқшунос олимларининг назарий қарашлари ва ривожланган давлатларнинг қонунлари мазмунида ёритилган тушунчаларни тизимли, қиёсий ва илмий-ҳуқуқий таҳлил қилиш натижасида Миллий гвардиянинг жамоат хавфсизлиги тизимидаги маъмурий-ҳуқуқий фаолиятини характерловчи бир нечта фундаментал қонуниятлар ва муҳим хусусиятлар аниқланди:

Биринчидан, замонавий полицияшунослик ва маъмурий ҳуқуқда “*Императивликдан диспозитивликка ўтиш*” феномени кузатилмоқда. МДХ олимлари (*хусусан, К.Ю. Губарева ва бошқалар*) таъкидлаганидек, Миллий гвардия эндиликда фақатгина қатъий маъмурий-буюрукбозлик, кўрқитиш ва мажбурлов (*imperative*) методи орқали эмас, балки жамиятда соғлом, хавфсиз муҳитни яратиш учун фуқароларга рухсат бериш, тушунтириш, ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш, профилактика ва аҳоли билан яқин ҳамкорлик қилиш (*permissive/dispositive*) методлари орқали фаолият юритишга ўтмоқда⁵¹. Бу ҳолат янги Ўзбекистонда маҳаллаларда кенг амалга оширилаётган “*хавфсиз маҳалла*” ва “*инсон қадри учун*” концепцияларининг мантикий ва ҳуқуқий давомидир.

Иккинчидан, “*Жамоат хавфсизлиги бўшлиғи*” (*Public Security Gap*)ни тўлдирши қобилияти назарияси тасдиқланди. Европа ва Осиёнинг етук олимлари (*М. Жежич, Д. Доббинс, Х. Ховенс*) кўрсатиб ўтганидек⁵², Миллий гвардия тоифасидаги кучлар (*Gendarmerie Type Forces*) оддий фуқаролик полициясининг жисмоний ва психологик ресурслари етмайдиган ёки улар уддалай олмайдиган оғир инқирозли вазиятларда (*масалан, кенг кўламли оммавий тартибсизликлар, террорчилик таҳдидлари, табиий офатлар*) жамоат тартибини самарали сақлаш учун дунёдаги энг идеал маъмурий-ҳуқуқий воситадир. Бунинг сабаби шундаки, улар полициянинг нозик юридик ваколатларини ва тинч аҳоли билан ишлаш кўникмаларини, шунингдек, ҳарбийларнинг

⁴⁸ Hale Akay “Security sector in turkey: questions, problems, and solutions” // [Security Sector in Turkey](#)

⁴⁹ <https://en.wikipedia.org/wiki/Police>

⁵⁰ Мирзиёев Ш.М. “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ ПФ-6196-сон Фармони // <https://lex.uz/doc-passport/5344118>

⁵¹ Губарева К.Ю. “Охрана общественного порядка и обеспечение общественной безопасности как предмет административно-правовой регламентации полномочий войск Национальной Гвардии Российской Федерации” // <https://cyberleninka.ru/article/n/ohrana-obschestvennogo-poryadka-i-obespechenie-obschestvennoy-bezopasnosti-kak-predmet-administrativno-pravovoy-reglamentatsii>

⁵² By João Duque Martinho “Maritime Gendarmeries: a possible conceptual approach to their added value” // <https://www.coespu.org/articles/maritime-gendarmeries-possible-conceptual-approach-their-added-value>

юқори даражадаги техник-тактик имкониятлари ва қатъий интизомини ўзида мужассамлаштирган ноёб гибрид кучдир. Франция Ички хавфсизлик кодекси бу ҳолатни қонунчиликда “*general administrative policing*” (умумий маъмурий полиция фаолияти) сифатида муваффақиятли қонунийлаштирган ва амалиётга жорий қилган⁵³.

Учинчидан, икки томонлама бўйсунув, ваколатлар чегараси ва ҳисобдорлик муаммоси. Туркия (Т. Ўзтюрк, А. Бозқурт) ва Лотин Америкаси (А. Валенсуэла, Л. Даммерт) олимларининг тадқиқотлари ҳарбийлашган тузилмаларнинг маъмурий фаолияти албатта кучли фуқаролик назорати остида бўлиши ҳаётий муҳимлигини кўрсатди⁵⁴. Қуролли тузилмаларнинг қуролсиз фуқаролар билан бевосита кундалик мулоқотда бўлиши, уларнинг инсон ҳуқуқлари ва этикасига оид таълимини (масалан, Чили Карабинерлари мисолидаги каби катта инвестициялар ёрдамида) кескин кучайтиришни тақозо этади. Ўзбекистоннинг ўзига хос шароитида Миллий гвардия ходимларининг бевосита маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканларида маҳаллий профилактика инспекторлари ва жамоатчилик вакиллари билан яқин ҳамкорлиги айнан шу жамоатчилик назоратини, шаффофликни ва фуқаролар олдидаги ҳисобдорликни таъминловчи энг самарали маъмурий-ҳуқуқий восита бўлиб хизмат қилади⁵⁵.

Тўртинчидан, Институционал ҳамкорлик ва ваколатларнинг аниқ чегараланиши тамойили. Ривожланган давлатлар амалиёти ва халқаро стандартлар (хусусан, Европа тинчликпарвар кучлари ва FIEP – Жандармерия ва ҳарбий мақомдаги полиция кучлари халқаро ассоциацияси стандартлари) Миллий гвардия маъмурий-ҳуқуқий фаолиятининг энг муҳим элементи сифатида бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, айниқса ички ишлар вазирлиги билан аниқ ва қатъий ваколатлар тақсимотини талаб қилади⁵⁶. Миллий гвардия ички ишлар органларининг кундалик фаолиятини шунчаки такрорламайди, балки уларнинг фаолиятини ўзининг юқори даражадаги профессионал тайёргарлиги, кўпроқ мобиллиги ва маъмурий превенция кучи билан мантиқан ва амалий жиҳатдан тўлдиради.

Юқорида кенг кўламда олиб борилган маҳаллий, МДХ, Европа, Осиё ва Лотин Америкаси олимларининг кўп қиррали илмий-назарий қарашлари, шунингдек, ривожланган хорижий давлатларнинг илғор қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти ҳамда бевосита Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-6196-сон Фармонида белгилаб берилган стратегик талабларни чуқур назарий синтез қилган ҳолда, ушбу диссертацион тадқиқот доирасида “Жамоат хавфсизлиги тизимида Миллий гвардиянинг маъмурий-ҳуқуқий фаолияти” тушунчасига қуйидагича ягона, долзарб ва илмий асослантирилган муаллифлик таърифи шакллантирилди:

“Жамоат хавфсизлиги тизимида Миллий гвардиянинг маъмурий-ҳуқуқий фаолияти — бу қатъий қонун устуворлиги ва инсон қадри олий тамойиллари асосида, жамиятда юзага келиши мумкин бўлган турли криминоген, ностандарт ва инқирозли вазиятларнинг (жамоат хавфсизлиги бўлиқларининг) барвақт олдини олиш мақсадида,

⁵³ Michiel de Weger “The Potential of the European Gendarmerie Force” // <https://militairespectator.nl/artikelen/assessing-results-gendarmerie-type-forces-peace-and-stability-operations>

⁵⁴ <https://www.gobiernosantiago.cl/2026/06/04/gobierno-de-santiago-y-universidad-de-chile-capacitan-a-carabineros-en-derechos-humanos/>

⁵⁵ Chile: A Country Study / Ed. by R.A. Hudson; Federal Research Division, Library of Congress. – Washington, D.C., 1994. – 462 p. – URL: https://tile.loc.gov/storage-services/master/frd/frdcstdy/ch/chilecountrystud00huds_0/chilecountrystud00huds_0_djvu.txt

⁵⁶ French National Gendarmerie – FIEP | International Association of Gendarmeries and Police Forces with Military Statues // <https://www.fiep.org/member-forces/french-national-gendarmerie/>

бевосита маҳалла ва бошқа жамоат жойларида ички ишлар ҳамда маҳаллий бошқарув органлари билан узвий ҳамкорликда, маъмурий мажбурлов ҳамда диспозитив-профилактик (рухсат бериш, тарғибот ва ижтимоий ёрдам) методларнинг энг мақбул ва мутаносиб уйғунлигини қўллаган ҳолда, шахс, жамият ва давлатнинг ҳаётий муҳим манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган, ҳарбий-полициявий (гибрид) мақомдаги давлат бошқарувининг узлуксиз, мувофиқлаштирилган ва қатъий юридик жавобгарликка асосланган махсус ижро-фармойиш бериш процессидир”.

Ушбу муаллифлик таърифи ўзида бир вақтнинг ўзида ҳам Янги Ўзбекистондаги ислохотларнинг бош руҳини (маҳалла институтининг роли ва инсон қадрини), ҳам МДХ олимларининг классик назарияларини (маъмурий методларнинг хилма-хиллиги ва хавфсизлик таҳдидларини бартараф этиш), шунингдек, Европанинг илғор GTF (гибрид мақом) стандартлари ва Лотин Америкасининг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш талабларини тўлиқ мужассамлаштирганлиги билан илмий ва амалий жиҳатдан мутлақо асосли ҳисобланади.

Тадқиқот жараёнида ишлаб чиқилган ва таклиф этилаётган мазкур илмий-назарий муаллифлик таърифи келажакда юқори илмий-амалий аҳамиятга эга бўлган қуйидаги қатор ютуқли натижаларга олиб келиши илмий нуқтаи назардан тўлиқ асосланади:

Биринчидан, мазкур таъриф миллий норматив-ҳуқуқий базани сифат жиҳатидан янги босқичда такомиллаштиришга бевосита хизмат қилади. Таърифда қатъий белгиланган “маъмурий мажбурлов ва диспозитив-профилактик методларнинг уйғунлиги” ҳамда “узвий ҳамкорлик” сингари концептуал қоидалар “Ўзбекистон Республикасининг Миллий гвардияси тўғрисида”ги қонунга ва соҳага оид кўплаб идоравий норматив ҳужжатларга (масалан, *патруль-пост хизмати низомларига, ҳуқуқбузарликлар профилактикасига оид йўриқномаларга*) ўзгартириш ва қўшимчалар киритишда назарий асос бўлиб хизмат қилади. Бу эса тузилманинг ваколатларини янада аниқроқ, шаффоф ва инсон ҳуқуқлари устуворлигига мос ҳолда легитимлаштиришга олиб келади.

Иккинчидан, мазкур илмий тушунча давлат органлари ўртасидаги институционал мувофиқлаштириш (*координация*) жараёнларида юқори натижа беради. Таърифда акс этган “жамоат хавфсизлиги бўйлиқларини олдини олиш” ва “ички ишлар органлари билан узвий ҳамкорлик” ғояси Ички ишлар вазирлиги ва Миллий гвардия ўртасидаги функцияларнинг баъзан такрорланиши муаммосини бутунлай бартараф этади. Шунингдек, ПФ-6196-сон Фармонда кўрсатилган маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканларида Миллий гвардия ходимларининг айнан қандай маъмурий позицияда туришини назарий жиҳатдан аниқлаштиради ва давлат молиявий маблағларидан ва инсон ресурсларидан янада оқилона фойдаланишга олиб келади.

Учинчидан, ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва ходимларни ўқитиш методларини тубдан модернизация қилишга эришилади. Ишлаб чиқилган таъриф маъмурий ҳуқуқ ва полицияшунослик фанида Миллий гвардия фаолияти доирасида фақат куч ишлатишга ва буйруққа асосланган эскича “императив доктрина”ни рад этиб, жамиятга беминнат хизмат қилувчи “профилактик доктрина”сига ўтишни назарий жиҳатдан легаллаштиради. Бу эса ўз навбатида, келажакда Миллий гвардиянинг ёш кадрларини тайёрлаш ва қайта тайёрлашда (*шу жумладан халқаро инсон ҳуқуқлари, конфликтология, психология ва виқтимология бўйича*) мутлақо янги, замонавий ўқув дастурларини ишлаб

чиқишга кучли илмий туртки беради⁵⁷.

Тўртинчидан, Ўзбекистоннинг халқаро хавфсизлик стандартларига интеграциялашуви ва глобал рейтинглардаги позициялари яхшиланиши кафолатланади. Таклиф этилаётган назарий ёндашув ва муаллифлик таърифи FIEP (*Жандармерия ва ҳарбий мақомдаги полиция кучлари халқаро ассоциацияси*) каби нуфузли халқаро ташкилотларнинг талабларига⁵⁸ ва Европанинг илғор Stability Policing (*Барқарорлаштириши полицияси*) доктриналарига тўлиқ мос келади⁵⁹.⁶ Бу таърифнинг миллий илмий муомалага киритилиши Ўзбекистон Миллий гвардиясининг келажакда БМТ ва бошқа ташкилотларнинг халқаро тинчликпарвар операцияларида, қўшма трансмиллий ўқув машғулотида тенг ҳуқуқли, профессионал маъмурий-ҳуқуқий субъект сифатида иштирок этиши учун зарур бўлган назарий ва мафкуравий платформани яратади.

Бешинчидан, жамоатчилик назорати ва шаффоф ҳисобдорлик механизмини шакллантиришда катта ютуқларга эришилади. Таърифда “*маҳаллий бошқарув органлари билан узвий ҳамкорликда*” деган концептуал иборанинг қўлланилиши Туркия ва Чили давлатлари тажрибасидаги каби ҳарбийлашган полиция кучлари устидан кучли фуқаролик ва маъмурий назоратни кучайтиришга қаратилган илмий механизмларни яратиш имконини беради⁶⁰. Бу эса, ўз навбатида, жамиятда Миллий гвардияга ва умуман давлат ҳокимиятига нисбатан ишончнинг (*public trust*) кескин ошишига, шунингдек, ҳуқуқбузарликларнинг эрта профилактикаси жараёнларида оддий фуқароларнинг ҳам фаол иштирокини рағбатлантиришга хизмат қилади.

Олтинчидан, илмий-тадқиқот методологиясини кенгайтириш ва фанлараро алоқаларни мустаҳкамлаш йўналишидаги ютуқлар кўзга ташланади. Ушбу чуқур ўйланган илмий тушунча 12.00.14 ихтисослиги бўйича келажакда олиб бориладиган бошқа тадқиқотлар учун “назарий эталон” бўлиб хизмат қилади. У ёш тадқиқотчилар учун Миллий гвардия маъмурий фаолиятини тўлиқ рақамлаштириш, сунъий интеллектни жорий қилиш, пробация тизимидаги фаол иштироки ва шаҳарсозликдаги “*ақлли хавфсизлик*” (*smart security*) тизимларига интеграцияси каби мутлақо янги, инновацион ва истиқболли илмий йўналишларни очиб беришга хизмат қилади.

Еттинчидан, криминоген вазиятни маҳаллабай бошқариш ва жинойт ўчоқларини бартараф этишда аниқ кўрсаткичларга (KPI) эришишнинг назарий модели яратилади. Таърифдаги “*криминоген, ностандарт ва инқирозли вазиятларнинг барвақт олдини олиш*” функцияси Миллий гвардия ходимларининг фаолияти самарадорлигини баҳолашда янги мезонларни ишлаб чиқишга олиб келади. Яъни, ходимларнинг фаолияти ушлаб келинган ҳуқуқбузарлар сони билан эмас, балки айнан маҳалладаги тинчлик, хавфсизлик муҳити ва жинойтларнинг содир этилишига йўл қўйилмаганлик даражаси билан баҳоланиш тизимини юридик жиҳатдан мустаҳкамлайди.

⁵⁷ Gobierno de Santiago y Universidad de Chile capacitan a Carabineros en Derechos Humanos // <https://www.gobiernosantiago.cl/2026/06/04/gobierno-de-santiago-y-universidad-de-chile-capacitan-a-carabineros-en-derechos-humanos/>

⁵⁸ French National Gendarmerie – FIEP | International Association of Gendarmeries and Police Forces with Military Statues // <https://www.fiep.org/member-forces/french-national-gendarmerie/>

⁵⁹ Assessing the Results of Gendarmerie Type Forces in Peace and Stability Operations // <https://militairespectator.nl/artikelen/assessing-results-gendarmerie-type-forces-peace-and-stability-operations>

⁶⁰ Citizen-Centered Public Security in Turkey: Policy and Practice – ResearchGate // https://www.researchgate.net/publication/373500207_Citizen-Centered_Public_Security_in_Turkey_Policy_and_Practice

Умумий хулоса ўрнида шуни алоҳида ва қатъий таъкидлаш лозимки, Янги Ўзбекистоннинг замонавий жамоат хавфсизлигини таъминлаш стратегиясининг тубдан янгиланиши ва инсонпарварлашуви шароитида Миллий гвардиянинг маъмурий-ҳуқуқий фаолияти ўзининг туб моҳиятига кўра фақатгина қотиб қолган ҳуқуқни муҳофаза қилиш ёки жазолаш механизмларидан узоқлашмоқда. Аксинча, у жамиятни ижтимоий-ҳуқуқий кўллаб-қувватлаш, ҳар қандай таҳдидлардан ҳимоя қилиш ва эрта профилактика қилишдек олий ва эзгу мақсадга томон жадал эволюция қилмоқда. Мазкур диссертация параграфи доирасида батафсил таҳлил қилинган маҳаллий ва кўплаб хорижий олимларнинг илмий қарашлари, шунингдек, қатор ривожланган давлатларнинг илғор қонунчилик амалиёти мазкур тарихий ва институционал трансформациянинг нечоғлик тўғри, илмий асосланган ва келажак учун истиқболли эканлигини тўлиқ ва шубҳасиз исботлайди.

Жамият томонидан шартли равишда фақат “*куч ишлатар*” орган сифатида қабул қилиб келинган Миллий гвардиянинг эндиликда бевосита энг қуйи бўғин – маҳалла миқёсига тушиб, оддий аҳоли билан бевосита ва самимий мулоқотда бўлиши, уларнинг дарди ва муаммоларини тинглаши ҳамда жамоат хавфсизлигини таъминлашда маъмурий-ҳуқуқий воситалардан ўта профессионал, диспозитив ва қонуний фойдаланиши Янги Ўзбекистонда қонун устуворлигини таъминлашнинг, давлатга бўлган ишончнинг ва инсон кадрини улуғлашнинг энг юқори кафолати бўлиб хизмат қилади. Ушбу параграф доирасида шакллантирилган ва кенг ёритилган назарий хулосалар, қиёсий таҳлиллар ва муаллифлик таърифи соҳанинг илмий пойдеворини янада мустаҳкамлашга, назария ва амалиёт ўртасидаги мавжуд ҳуқуқий бўшлиқларни тўлдиришга ҳамда 12.00.14 ихтисослиги бўйича фаннинг ривожига ўзининг улкан ва салмоқли ҳиссасини қўшади.